

ҲАСАНОВ Улугбек Абдусалом ўғли,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN,
Doctoral student of ISESCO Department of
Islamic Studies and Civilization.
E-mail: ulugbekxasanov181@gmail.com

ЗАМОНАВИЙ ТАФСИРШУНОСЛИКНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ О ТАФСИРЕ

METHODOLOGICAL FOUNDATIONS OF MODERN SCIENCE OF TAFSEER

Аннотация: Бугунги глобаллашув даврида Тафсирушносликка ҳам замонавий ёндашиш асосларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятлардан бирига айланиб борапти. Дарҳақиқат бу соҳада ҳам баъзи муфассирлар кенг олмага тушунарли бўлиши учун ҳаракат қилишмоқда. Шу жиҳатдан ҳам тафсирушносликни ҳам модернизация (ислоҳ қилиш)га, тафсирушносликка илмий ёндашиш, гарчи баъзи уламолар тарафидан танқидий баҳоланган бўлсада, замонамизда вужудга келаётган янги масаларга ечим бўла олиш қобилиятига эгаллигини исботлашга катта ургу берилди.

Калит сўз: Тафсир, Ижтиҳод, тақомиллаштириш, модерн, мусулмонлар, замонавий, шаръий, мафкура, тараққиёт.

Аннотация: В нынешнюю эпоху глобализации разработка современного подхода к тафсиру становится одной из важнейших. Ведь даже в этой области некоторые муфассиры (комментаторы) работают над тем, чтобы сделать ее понятной широкой публике. В связи с этим большой акцент был сделан на модернизацию (реформирование) тафсира, доказывая, что научный подход к нему, хотя и критически оцениваемый некоторыми учеными, обладает способностью решать новые проблемы, возникающие в наше время.

Ключевые слова: тафсир, иджтиҳад, совершенство, модерн, мусульмане, современный, шариат, идеология, прогресс

Annotation: In the period of globalization, it is more important that to development the foundations of modern approach for Qur'anic exegesis. Indeed, in this field some exegeists attempt to make it understandable

to public. In this regard, it is emphasized on modernizing of Qur'anic exegesis, scientific approach to it, proving to have the ability to solve new problems that arise today, although it is criticized by some scholars.

Key words: Qur'anic exegesis, ijtihad, improve, modern, Muslims, contemporary, lawful (shar'iyah), ideology, development

КИРИШ

Бугунги кунда тафсирнинг жадаллашгани ва унинг бу жиҳатига эътибор кучайганлиги кўриниб турибди. Айрим уламоларнинг фикрича, замон муаммоларига ечим топиш, жамиятни яхши томонга йўналтириш учун тафсир ёзиш керак [14], деган гаплар кенг тарқалди. Дарҳақиқат, баъзи муфассирлар ўқувчилар тафсирини осон тушуниши учун кўплаб ҳаракатлар олиб борган. Бунинг асосий сабаби шундаки, бундай услубдаги тафсирларда саҳобалар Қуръони каримини қандай тушунишганлигини кўрсатишга аҳамият берилган. Шунинг учун одамлар бундай тафсирлардан кўпроқ фойдаланишга ва унга кўпроқ аҳамият беришга ҳаракат қиладилар [15].

«Ижтиҳод» тушунчаси замонавий тафсирушносликнинг жонли ва ўзига хосликка эришишига сезиларли таъсир кўрсатди. Шу нуқтаи назардан баъзи уламолар тақлиддан узоклашишга, ижтиҳоднинг бошланишига, динни салафи солиҳлар қабул қилгандек тушунишга ва дастлабки манбаларга қайтишга чақиришди. Қолаверса, араб тилини ислоҳ қилишга даъват қилишди [10].

АСОСИЙ ҚИСМ

Замонавий даврда мусулмонлар онгини янгилаш, айниқса, Қуръонни тушуниш фикри қуршаб олди. Бу эса, замонавий тафсирушносликнинг жонли ва ўзига хос бўлишини таъминлади. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, модернизмни ҳаётнинг барча соҳаларида янгиликларга очиқ қаровчи, хусусан, диний соҳани янгиловчи ва тақомиллаштирувчи фаолият сифатида қабул қилишимиз мумкин. «Ислоҳ» сўзи бирор нарсдан нопокликни йўқотиш, бирор нарсани тузатиш ва яхшилаш маъносини билдиради. Шу маънода, модернизм маъно жиҳатидан бузилган бирламчи манбаларни ҳамда ижтимоий иллатларни тузатиш, унинг натижасида

вужудга келадиган ахлоқий қадриятларни юксалтириш зарурлигини англашга қаратилган фаолият сифатида баҳоланади. Шу нуқтаи назардан, модернистни айни фаолиятни амалга оширишни мақсад қилган шахс сифатида тавсифлаш мақсадга мувофиқ ёндашув бўлади [12:261]. Бироқ, замонавий тафсир тушунчасига “ислоҳот” тушунчасидан кўра кўпроқ “такомиллаштириш” каби ёндашувлар таъсир қилган кўринади. Қолаверса, мавкеи, фаолияти, бойлиги ва илм-маърифати жиҳатидан турли даражадаги уламоларнинг янгиланиш ислоҳотларига муносабати бир хил бўлмаганини таъкидлаш лозим. Масалан, юқори даражадаги уламоларнинг янгиланганларга қараш тарзи, куйи даражадаги уламоларнинг қарашига нисбатан мусомаҳали эди [3:142]. Шунинг учун ҳам муфассирларнинг замонавийликни англаш тарзлари, уларнинг тафсирларида ҳам ўз аксини топган.

Дарҳақиқат, исломнинг азалдан янгиланишга очиқ эканлиги ошкордир. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, исломий тафаккурда янгиланиш бўлиши заруриятдир. Бу олий шариатга Аллоҳ таоло баъзи хусусиятларни хослаб қўйганки, бу ҳақиқатни тушуниш фақат таждид (янгилик) билан бўлади. Таждид заруратининг бошида эса, Исломнинг боқийлиги туради. Чунки аввалги пайғамбарларнинг шариати, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан насх (бекор) қилинган. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам аввалги йўқ бўлиб кетган диний таълимотларни янгиледи, инсониятни Ҳаққа йўналтирди ва уларнинг ҳаётларидаги эгриликларни тўғрилади. Шунинг ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, шаръий насх(ҳужжат)лар чегараланган, содир бўладиган ҳодисалар эса, чексиздир. Бу ҳолат албатта, ижтиҳод эшигининг очилишини ва янгиланишни тақозо этади. Бундан ташқари, замон таракқий этипти, одамлар ваҳий орқали нозил бўлган Китобдан узоқлашапти ва кўплаб диний маълумотлар йўқ қилиниб, фасод ортиб борапти ва ҳақиқатдан оғиш кўпайиб борапти. Иккинчи сабаб эса, Исломнинг қамров доирасидир. Бошқача айтганда, шариат барча замон, макон ва инсонларни қамраб олади [6].

Замонавий даврда тафсирга жонлилик қўшиш йўлларида бири, Қуръон тафсирида илмий маълумотлардан фойдаланиш бўлди. Бизнингча, илмий тафсир мудофааланиш руҳияти билан амалга оширилади, деб баҳслашиш хато бўлади. Чунки Энтони

Станден киноя қилиб айтганидек, илм-фан модернизмнинг «муқаддас сигири»га айланди [2]. Бинобарин, замонавий инсон илмга катта ишонч билдиргани туфайли баъзи муфассирлар илмий тафсирга ҳам аҳамият беришга мажбур бўлдилар. Бошқача айтганда, илмий тафсир маълум маънода замонавий одамларнинг эҳтиёжлари туфайли пайдо бўлди. Шу жиҳатдан инсонни устивор қўядиган замонавий тафсирга илмийлик асосда ёндошилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бироқ, бу ердаги хавф шундаки, илмийлик номи остида тафсирга киритилган маълумотлар фикрни музлатиб қўйувчи бўлмаслиги керак. Яъни, «аниқ факт» деб эълон қилинган илмий маълумотлар тафсирга киритилса, ушбу мавзу бўйича тафсир қилиш йўллари ёпилиб қолади. Бироқ, буларнинг барчасига қарамай, Қуръон тафсири гарчи у оятларнинг луғавий далолат(кўрсаткич)лари янги қарашларни юзага чиқарса-да ҳамда салафи солиҳлардан нақл қилинган ривоятларга зид бўлган ғояларга олиб келса-да, ҳар жиҳатдан замонавий илм-фан нуқтаи назаридан кенгайиб борди [6]. Замонавий тафсиршунослик замонавий технологиядан ҳам унумли ва самарали фойдаланган. Шу нуқтаи назардан, Тантавий (1870-1940) ўқувчига тушунтириш ниятида тафсирларига кўплаб ўсимликлар, ҳайвонлар ва табиат манзараларининг суратларни қўяган [11]. Мавдудий (1903-1979) Қуръонда тилга олинган жойларни тадқиқ қилиш учун ўша жойларга сафар қилган. Бу тафсир тарихида ушбу йўналишдаги илк тадқиқот ҳисобланади. У тарихий воқеалар ва урушларни ўрганар экан, вақти-вақти билан харита ва фотосуратлардан фойдаланган, археологик топилмаларни ҳам тафсирга киритган [7]. Натижада у саёҳати мобайнида қўлга киритган харита ва чизмалардан иборат маълумотларини 14 сурада 29 та кўргазмали материал ҳолида тафсир китобига киритган [5].

Замонавий тафсиршунослик янада яхши талқин қилиш учун кундалик ишлатиладиган баъзи замонавий ибора ва тушунчалардан фойдаланишни таклиф қилган. Масалан, Ҳасан Ҳанафийнинг фикрича, халифалик ёки имомат сўзининг шўро, байъат ва сайланиш каби сўзлар билан баён қилиш мумкин, бу иборалар тарихий нисбатлар ва фирқавий бўлинишларга сабаб бўлгани туфайли энди қўллаб бўлмайдиган ҳолга келди. Демак, бу асрда қабул қилинган сўзлар замонавий тафсиршуносликда қўлланилиши мумкин бўлган сўзлардир. Бу асрда ҳам шундай

сўзлар борки, улар бир лаҳзада алангага айланиб кетадиган тутантирикка ўхшайди. Масалан, мафкура, тараққиёт, ҳаракат, ўзгариш, озодлик, омма, адолат сўзлари шулар жумласидандир. Булар омма назарида маънавий маънога эга бўлиб, шакллантирилиши мумкин бўлган миллий маданиятни ифодалаш имкониятига эга сўзлардир [18:154-155]. Тадқиқотчи Элиачик эса, ҳар бир ёшдаги инсонни ўзига жалб қиладиган усул билан Қуръонни қайта тафсир қилиш кераклигини айтади. Унга кўра, «Ҳомиладор туялар қўйиб юборилганда» иборасини «тилдан тилга» эмас, «асрдан-асрга» деб таржима қилиш керак. Умрида туя кўрмаган одамга «Ҳомиладор туялар қўйиб юборилган кун» деб хитоб қилиш, тирикларга эмас, ўликларга қарата қилинган мурожаатдир, дейди [13:12]. Бироқ бу баъзи хавфларни келтириб чиқариши мумкин. Яъни, Қуръон калималарини тафсир воситасида замонавий терминлар билан тушунтиришга ҳаракат қилиш, Китоб матнини нисбий ҳолатга келтириб қўйиши мумкин.

ТАҲЛИЛ

Замонавий тафсир ҳаракати танқидий хусусиятга эга эканлиги аён. Замонавий даврда танқидий муносабат қилиш айниқса, муфассирларнинг жасоратининг кўрсаткичи ҳисобланади. Замонавий даврда, айниқса, сиёсий тенденциялари ҳукмрон бўлган муфассирларнинг ҳаётида қамок, ҳатто ўлим каби драматик воқеалар ҳам юз берганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бироқ бу драматик воқеаларга муфассирлар номини шарафловчи хусусиятлардан бири сифатида ҳам қаралиши мумкин.

Модерн тафсиршуносликдаги танқидий муносабат фақатгина айрим масалаларга қаратилган, холос. Улардан бири исроилиёт масаласидир. Исроилиётнинг ҳамда унга замин тайёрлайдиган қиссаларнинг сўроқ қилиниши очиқ-ойдин ижтимоий ўзгаришларнинг бир қисмидир. Аслини олганда, исроилиётга оид ривоятлар 19 асрда ислохотчилик (янгилаиш) ҳаракати бошланмагунга қадар унчалик катта ташвиш туғдирмаган. Исроилиётга қарши шаклланган ушбу янгича муносабат ғарб билан ақлий алоқалар натижасида, замонавий рационализм, илм-фан, янги салафийлик ва тарихий танқид таъсирида ривожланди [8:18]. Бироқ исроилиётнинг номақбул бўлмаган қисмини қабул қилиш тенденцияси замонавий

тафсиршуносликнинг кенгайишига имкон яратган муҳим омиллардан бири бўлди [5].

Яна бир танқид олдинги муфассирлар масаласидир. Масалан, айрим модернистлар фикрига кўра, баъзи муфассирлар тафсирларини наҳв, эъроб ва фасоҳат каби масалалар билан кенгайтириб, тўлдириб юборишган [10]. Бошқалари эса, Қуръоннинг мазмуни умумий ва умумбашарий деган тамойилни қабул қилган ҳолда баъзи оятларни тушунишга ёрдам берувчи сабаби нузул ривоятларга асосланиб, оятларни хослаштирган муфассирларни танқид қилган [9:298]. Бироқ, классик тафсирни танқид қилиш уларни чуқур ўрганишга ҳисса қўшди. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, сўнгги йилларда тафсир тадқиқотларидаги энг катта саъй-ҳаракат ва тадқиқотлар илк давр тафсири билан тафсиршуносликни ривожлантириш соҳасида бўлгани кўзга ташланади [1:455].

Бошқа томондан, классик давр тафсирчиларини ҳимоя қилган ва шу маънода замонавий тафсирни танқид қилган олимлар ҳам бўлган. Улардан бири имом Заҳабийдир. Унинг фикрича, Қуръон мавзусида ёлғон тушунчалар билан таъвил йўлига юрганлардан баъзилари Аллоҳнинг Китобини сохталаштириш ҳисобига бўлса ҳам, шу йўл билан ўзларини кўрсатиш ва машхур бўлиш учун олдинги муфассирларни аҳмоқлик ва ғофиллик билан айблашга киришганлар [11]. Худди шунингдек, «Асрорул-Қуръон» деб номланган тафсирнинг муаллифи ва замонавий дунёда мусулмонлар дуч келган муаммолар учун айбни аввалги тафсирчиларни зиммасига юклашга ҳаракат қилувчи Абдулазиз Чавиш (ваф. 1345/1929) Билмен (1881-1971) томонидан ҳам танқид остига олинган. Билменнинг фикрига кўра, бугунги афкорга қарши фикр билдириш ва соф динни ҳимоя қилиш бугунги олимларнинг олдида улкан вазифадир. Бугунги ёзилган тафсирларда бу борада ўзига хослик борлиги ижтимоий-маърифий ўзгаришлар натижасидир. Агар ўша айбланаётган салафи солиҳ муфассир бугунги асрда яшаганларида эди, мухтарам Абдулазиз Човишдан кўра яхшироқ қалам тебратган бўлишарди, ижтимоий муаммоларимизга янада таъсирчанроқ чора топа олган ва уларни тавсия қилган бўлишарди [17:778]. Бир маънода замонавий тафсир ҳаракати учун Классик муносабат мусулмонларга мавжудлик олдида эркин бўлишни, модернистик муносабат эса, классик анъанага қарши бутунлай

«эркинлашиш»ни ўз ичига олади [16:234], деган танкидни ҳам қилишади.

Классик тафсирлар назарий билимлар билан тўлдирилганлиги сабабли танкид қилинган. Айтилишича, классик тафсирларда назарий билимлар ва жамиятга тааллуқли бўлмаган кўплаб масалалар мавжуд бўлса, бугунги тафсирларда бу масалалар иккинчи планга сурилган [4:47]. Ҳолбуки, замонавий тафсирда ҳам вақти-вақти билан кўпроқ назарий маълумотлар ва мунозаралар ўрин олгани кўзга ташланиб турибди. Замонавий тафсирларнинг асосан катта ҳажмли тафсирлар эканлиги шундан далолат беради. Жумладан, Манор ва Тантовий каби тафсирлар катта ҳажмли тафсирлардир. Дарҳақиқат, 25 жилдлик Тантовий тафсирига муаллиф номаълум бўлиб қолган масалаларни тушунтириш мақсадида яна бир жилд қўшиб қўйган. Бу жилднинг охиридаги «Мулҳақул-жавоҳир»нинг биринчи жилди» иборасидан бошқа жилд эканлиги келиб чиқиши маълум бўлса-да, уни тугатиш учун муаллифнинг умри етмаган [7]. Заҳабий Тантовийнинг тафсири ҳақида «Розийнинг тафсири ҳақида «Унинг тафсирида тафсирдан бошқа ҳамма нарса бор» дейишади. Бу сўз Тантавий тафсирига ҳам тегишлидир» [11], дейишдан ўзини тия олмаган.

Замонавий тафсирларнинг ҳажмий жиҳатдан катталиги сабабларидан бири уларнинг мазмунида такрорланишларнинг кўплигидир. Бироқ кейинги пайтларда айрим муфассирлар инсонларнинг бандлиги ва иш билан машғуллигини ҳисобга олиб, оммага осон етиб бориш мақсадида таржима-тафсир тарзида тафсир ёзишга киришдилар [19:116].

ХУЛОСА

Бугунги кунда тафсирнинг жадаллашгани ва унинг бу жиҳатига эътибор кучайганлиги кўриниб турибди. Айрим уламоларнинг фикрича, замон муаммоларига ечим топиш, жамиятни яхши томонга йўналтириш учун тафсир ёзиш керак, деган гаплар кенг тарқалди. Дарҳақиқат, баъзи муфассирлар ўқувчилар тафсирини осон тушуниши учун кўплаб ҳаракатлар олиб борган. Бунинг асосий сабаби шундаки, бундай услубдаги тафсирларда саҳобалар Қуръони каримини қандай тушунишганлигини кўрсатишга аҳамият берилган. Шунинг учун одамлар бундай тафсирлардан кўпроқ фойдаланишга ва унга кўпроқ аҳамият беришга ҳаракат қиладилар.

Замонавий тафсиршунослик замонавий технологиядан ҳам унумли ва самарали фойдаланган. Шу нуқтаи назардан, Тантавий (1870-1940) ўқувчига тушунтириш ниятида тафсирларига кўплаб ўсимликлар, ҳайвонлар ва табиат манзараларининг сураатларни қўйган. Бинобарин, замонавий инсон илмга катта ишонч билдиргани туфайли баъзи муфассирлар илмий тафсирга ҳам аҳамият беришган. Шунингдек Замонавий тафсиршуносликда иждиҳоднинг ўрни муҳимлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Andrew Rippin. Тафсир тадқиқотларининг мавжуд ҳолати//Ислом тадқиқотлари, 16-жилд, №3, 2003, -Б. 455.
2. Anthony Standen. Билим – муқаддас сигирдир. – Истанбул: Шула, 1997.
3. Daruel Crecelius. Миср уламоларининг модернизмга қарши жавоблари. – Истанбул: Из, 1991, -Б. 142.
4. Саид Шимшек. Contemporary Interpretation Problems, – Коня: Китоблар олами, 47-б.
5. Абдулҳамид Биришик. Абул Аъло Мавдудийнинг Қуръон тафсир қилишига сабаб бўлган омиллар –Бурса, 2011.
6. Аднан Муҳаммад Амома. ат-Тажид фи ал-фикр ал-ислами. Дору ибнил Жавзи, 1426.
7. Б. Жавдат. Тафсир усули ва тарихи. –İstanbul: Kaylhan Yaymlan, 2002.
8. Меҳмед Пачажи. Классик тафсир нима?//Ислом илмлари, №1, 2007, -Б.18.
9. Меҳмет Суад Мартўғли. Тафсир ал-Манор. 21-жилд, – Истанбул: ДИЭ. 2011, -Б. 298.
10. Муҳаммад ибн Саббоғ. Ламаҳат фи улумил Қуръон. –Байрут: ал-мактабатул ислами, 1990.
11. Муҳаммад Ҳусайн Заҳабий. ат-Тафсир вал Муфассирин. 1976, 2-жилд.
12. Муҳсин Демирчи. Қуръон ва тафсир. – Истанбул: Ансон, 2006, -Б. 261.
13. Р.Иҳсан Элиачик. Барҳаёт Қуръон, – Истанбул: Иншо, 2011, -Б. 12.
14. Саид Шимшек. Contemporary Interpretation Problems, –Коня: Китоблар олами, -Б. 245.
15. Суад Йилдирим. Қуръонга замонавий нигоҳ. – Истанбул: Ишик, 2011, -Б. 326.
16. Таҳсин Гўргун. Илоҳий сўзнинг кучи. – Истанбул: Куллийет, 2013, -Б. 234
17. Умар Насуҳий Билман. Буюк тафсир тарихи. – Истанбул: Билман, 1973, 2-жилд, -Б. 778.
18. Ҳасан Ҳанафий. Анъана ва Янгиланиш. Таржимон М. Амин Машали, –Отто, Ankara, 2011. -Б. 154-155.
19. Ҳикмат Кочийигит. Муфассирларни тафсир ёзишга завқлантирган амаллар. 2012, -Б. 116.